ВИЗУАЛ БУРИЛИШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАЪСИРИ

Гулноза Умаровна НАЖМИДДИНОВА
тадқиқотчи
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада “визуал бурилиш” тушунчаси ва унинг гуманитар тадқиқотларда қандай акс этаётганлиги ўрганилган. Тасвирнинг тилга муқобил код тизими сифатидаги хусусиятлари тадқиқ этилган. Ҳар бир визуал бурилишнинг бошланғич нуқтаси таҳлил қилинган. Визуал бурилишлар Тоффлер тўлқинлари контекстида даврийлаштирилган.

Таянч сўзлар: визуал бурилиш, гуманитар фанлар, визуал тадқиқотлар, визуаллик, визуал маданият, тасвир, Интернет, телевидение, комикслар, фотография.

ОБЩЕСТВЕННО-КУЛЬТУРНОЕ ВЛИЯНИЕ ВИЗУАЛЬНЫХ ПОВОРОТОВ

Гулноза Умаровна НАЖМИДДИНОВА
Исследователь
Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается понятие “визуальный поворот” и его отбражение в гуманитарных исследованиях. Исследуются особенности изображения в качестве альтернативной системы кода. Анализируется первичная отправная точка каждого визуального поворота. Визуальные повороты разделены на периоды в контетексте тоффлерных волн.

Ключевые слова: визуальный поворот, гуманитарные предметы, визуальные исследования, визуальность, визуальная культура, избражение, Интернет, телевидение, комиксы, фотография.

Ахборотни сақлаш ва тарқатишнинг янги восита ва технологиялари кашф қилиниб, фаол татбиқ этилаётган бугунги кун тамаддуни рамзи, ҳеч муболағасиз, визуал образ ва тасвирдир. Замонавий инсон тасвирий контент узатиш каналларининг мунтазам ортиб бориши фонида ривожланган экран маданияти, “томоша” культи, консьюмеризмнинг (*Консьюмеризм* (инг. *Consumerism*) – фаолиятнинг бош ақидаси “нуфузли” истеъмол, орзу-ҳавас, лаззат ва кўнгилхушликка интилишга қаратилган хатти-ҳаракат, яшаш тарзи ва муносабатларни йўналтирувчи регулятив ғоя, умид ва кайфиятлар мажмуи)

шаклланиши, фан-техника инқилоби каби шароитларда, визуализация даврида яшамоқда. Шу боис бугунги дунёда тасвирнинг ўрни, унинг қамрови, имкониятлари, коммуникация шакли сифатида маданиятга, жамиятга таъсирини тадқиқ этиш алоҳида долзарблик касб этади.

Германиялик тадқиқотчи Д.Бахманн-Медик ўзининг “Маданий бурилишлар: маданият ҳақидаги фанларда янги мўлжаллар” китобида “тасвир” тушунчасига “у фақат белги, сурат ва иллюстрацияларгина эмас; тилдан мустақил ўзига хос таъсир кучини шакллантиради” [1; Б.395], дея тавсиф беради. Тасвирнинг тилдан алоҳида код тизими эканлиги россиялик семиотик олим Ю.Лотман илмий ишларида ҳам қайд этилган. Лотман инсоният тарихида икки мустақил маданий белги – сўз ва тасвир мавжудлигини таъкидлайди. Олим сўзнинг тузилиши, шакли ва мазмуни ўртасидаги боғлиқлик шартли эканлигини билдиради. Унинг фикрича, тасвир тушунарлилик борасида сўздан устунроқ. Зеро, тасвирий ёки иконик белгиларда ифода ва мазмун турғун бирикма, яъни, бунда мазмун ягона, хос ифодага эга бўлади [6; Б.6]. Яна бир семиолог, социолог Р.Барт ҳам ўз илмий изланишларида тилнинг икки кўриниши – табиий объект-тил ва сунъий метатил ҳақида фикр билдиради [1; Б.131]. Бошқа бир олим, тилшунос У.Фитч ҳам алоҳида “белгилар тили” ҳақида мулоҳаза юритади [9; Б.469]. Бу каби изланишлар тасвирнинг бугун универсал ифода коди сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётганлигини билдиради. Зеро, киши тил билмаган, ҳатто, гапира олмаган ҳолатда айнан тасвир муқобил мулоқот воситаси вазифасини бажаради. Шу ўринда фикримиз исботи сифатида 2019 йилда ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилинган бир воқеа [12]га юзлансак. Хитойда таҳсил олаётган хорижлик талаба шифохонага тушади ва унга жарроҳлик амалиёти белгиланади. Беморни операцияга тайёрлаши лозим бўлган ҳамшира инглиз тилини яхши билмайди. Шунда у қуйидаги матнни қоғозга ёзиб, талабага беради:

“Tonight 22:00 after no *, no*  *. Tomorrow morning*  *8:00”.* (***Мазмуни:*** *“Бугун соат 22:00дан сўнг ҳеч нарса еманг ва ичманг. Эртага эрталаб соат 8:00да операция”*).

Ҳамширанинг хати фотоси Reddit тармоғида вирусли тус олиб, кўплаб изоҳларга сабабчи бўлади. Аксарият фойдаланувчилар матн муаллифининг топқирлиги, вазиятга ўзига хос ечим топа олганини ижобий баҳолади. Бироқ ушбу ребус контекстдан ташқарида турлича талқин этилиши мумкинлигини таъкидловчи изоҳлар ҳам қолдирилди. Хусусан, матн шифрланган таҳдид ёки огоҳлантириш сифатида қабул қилиниши мумкинлигини асословчи фикрлар билдирилди.

Медиа ва коммуникация соҳаси бир неча инқилобий бурилишларни бошидан ўтказди. XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган “тасвир инқилоби” ҳамда XX аср охирида Интернет ва рақамли технологиялар таъсирида медиасферада кузатилаётган ўзгаришлар иконик, пикториал ҳамда визуал бурилиш ҳақидаги янгидан-янги мулоҳазаларга сабаб бўлди.

Визуалликка асосланган бурилишларнинг мақсади танқидий таҳлил орқали тасвир ва образларнинг туганмас оқимини бошқаришдан иборат. Мазкур фикр бу борада тадқиқот олиб борган аксарият олимларнинг ишларида қайд этилган. Шуниси эътиборлики, тасвир ва образ устида олиб борилган изланишлар дастлаб санъат ва фалсафа каби фан соҳаларида жадал олиб борилган. Жумладан, “бурилишлар” ҳақидаги мунозараларга қўшилган У.Митчелл, Г.Бём, К.Мокси, М.Бал, Дж.Элкинс, М.Смит, Л.Картрайт, М.Холли, Дж.Герберт, М.Диковицкая, Н.Мирзоефф каби хорижий олимлар мазкур бурилишлар Ғарб жамиятларига хослигини ҳамда улар кундалик ҳаётда визуал мулоқот ва визуал образ бирламчи аҳамиятга эгалиги билан тавсифланишини таъкидлайдилар [3].

Бугун визуал бурилиш (visual turn) сабабли, визуаллаштириш илмий-амалий фаолиятнинг ажралмас бўлагига айланди россиялик тадқиқотчи Е. Кудряшова, У. Митчеллнинг фикрларига таяниб, визуал бурилиш

ҳодисасига тарихий ва иқтисодий жараёнларнинг тасодифий ҳосиласи, дея таъриф беради. Хусусан, у визуал бурилиш ҳодисаси умумбашарий миқёсдаги масалалар мажмуига ечим топиш усули сифатида вужудга келганини таъкидлайди [5]. Бизнингча ҳам, визуал бурилишлар, умуман визуалликка бўлган эътиборнинг кучайиши жамиятда юз бераётган жараёнлар: ахборот ҳажмининг ортиши, ахборотни тайёрлаш ва тарқатишга сарфланаётган вақтнинг қисқариб бораётганлиги, янги ахборот манбаларининг вужудга келиши, контент узатиш каналларининг ихтисослашиши ва персоналлашуви, аудиторияга танлов имконияти билан бирга контент тайёрлаш имкониятининг берилиши, инсоннинг ўзи медиага айланганлиги каби ҳолатларга жавобан ва уларнинг мантиқий давоми сифатида шаклланди.

XXI аср бошида визуаллик янги ижтимоий-маданий тренд эмас, балки замонавий маданиятнинг фундаментал асосига айланди ва фикримизча, бунга сабаб қилиб иккита ўзаро боғлиқ омилни келтириш мумкин:

– анъанавий тараққиёт босқичидан саноатлашган босқичга ўтиш;

– визуал технологиялар жадал ва шиддатли тараққиёти: фотография ва телевидениенинг кенг тарқалиши, XX-XXI асрлар чегарасида эса янги рақамли технологиялар ва Интернетнинг вужудга келиши.

Визуаллик ва визуал бурилишларни тадқиқ этишга йўналтирилган фундаментал ишлар қаторида М.Маклюэн, Ж.Бодрийяр, М.Фуко, У.Эколарнинг асарларини ҳам келтириш мумкин. Фалсафий, айрим ўринларда футурологик мазмундаги мазкур ишларда медиа, хусусан, телевидение таъсирида трансформацияга учраётган жамият ҳақида мулоҳаза юритилади. Аммо бу изланишлар 1960-1980 йиллар оралиғида амалга оширилган ва асосан, ижтимоий-маданий ўзгаришларга ўз даврининг оламшумул мўъжизаси – телевидение имкониятлари призмаси орқали ёндашган. Ушбу асарлар муайян маънода визуалистиканинг замонавий анъаналарини шакллантирди. Аммо, визуаллик ва визуал маданият борасида амалга оширилган қатор тадқиқотлар асосида таъкидлай оламизки, гуманитар тадқиқотлар соҳасида камида учта визуал бурилиш содир бўлган. Шунингдек,

визуалликнинг янгидан-янги шаклларини кашф этаётган маданият аслида ҳар доим визуал ҳодиса бўлиб келган. Россиялик тадқиқотчи В.Склярованинг тадқиқотларида ушбу фикрларни асослаш учун оғзаки нутқ, қўлёзма ва босма сўз коммуникацияси хусусиятлари таҳлил этилади. Перцептивлик нуқтаи назаридан ушбу коммуникация шакллари муайян даражада окуляр, яъни, кўриш сезгиси орқали қабул қилинади. Шунингдек, оғзаки нутқ жараёнида ҳам новербал, хусусан имо-ишора, физиогномика, окулистика (нигоҳ йўналиши, тўғридан-тўғри кўз контактининг доимийлиги) сингари визуал компонентлар фаол қўлланилади. Шундай экан, оғзаки коммуникация устувор бўлган пайтларда ҳам, қўлёзма ҳамда босма сўз даврида ҳам маданият муайян даражада визуал бўлиб келган, дейиш мумкин [7; Б.116-117].

Гуманитар соҳадаги биринчи визуал бурилиш 1920-1930 йилларда амалга ошган. Бунга XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида кинематограф, комикс ва фотографиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабаб бўлган. Машҳур немис файласуфи В.Беньяминнинг таъкидлашича, XIX асрнинг ўрталарида тасвирий санъат асарларини оммавий ададлаш ҳамда уларни аудиторияга кенг тарқатиш воситаларининг вужудга келиши “нафис санъат” концепциясига жиддий зарба берди [7; Б.117-118].

Мазкур визуал бурилиш маданиятда визуаллик билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганишда қатор ўзгаришларга сабабчи бўлганига россиялик олим Е.Ищенко ҳам эътибор қаратади [4; Б.17].

Тадқиқотчи В.Склярова визуал бурилишларни тушунтиришда “медиасинкретизм” атамасини қўллайди. “Синкретизм” деганда турли хил факторларнинг ўз хусусиятларини сақлаган ҳолда яхлитланиши тушунилади [6; Б.31]. Склярова тавсия этган “медиасинкретизм” тушунчаси остида эса инсон томонидан қўлланилаётган барча ифода ва коммуникация воситаларининг бирлашуви маъноси мавжуд ва ҳар бир визуал бурилиш, албатта, маданиятда вужудга келган медиасинкрезис шароитида амалга ошади. Шунга кўра, XIX асрнинг ўрталари ва XX аср бошида фотография, кинематограф ва комикслрнинг пайдо бўлиши ва оммалашуви 1920-

1930 йиллардаги биринчи визуал бурилишни тавсифласа, 1960-1980 йилларда амалга ошган иккинчи визуал бурилиш учун телевидение ва телекоммуникация тармоқлари кашф этилиши ва ривожланиши хосдир. Иккинчи визуал бурилиш даврида бир қатор муҳим ҳодисалар рўй берди:

– “нафис санъатлар” соҳасида перформанс (томоша)нинг алоҳида ҳодиса сифатида юзага келиши ва натижада, аудитория томошабиндан томоша иштирокчисига айланиб бориши;

– янги, динамик, юқори самарадорликка эга коммуникатив вазиятлар яратувчи синкретик мажмуалар оммавий коммуникация воситаларининг кенг тарқалиши ва, оқибатда, техник ифода этилган воқелик реал воқеликни сиқиб чиқариши, ҳақиқатни тўқима мазмундан ажратиш қийинлашиб бориши;

– санъатнинг томоша-кўргазмавий турлари жадал ривожланиши, жумладан, кинематографияда йирик масштабли фантастик фильмлар даврининг бошланиши (масалан, Дж.Лукаснинг “Юлдузлар жанги”, Р.Скоттнинг “Ўзга” каби кинолойиҳалари).

Интернет тармоғининг имкониятлари медиасинкретизмнинг янги шаклларини ривожлантирди. Улар виртуал ва реал олам ўртасидаги чегараларнинг ювилишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг энг шов-шувли мобиль ўйинига айланган “PokemonGO”ни эслайлик. Мазкур ўйин тўлдирилган реаллик (AR) технологияси жорий этилган илк ўйинлардан биридир. Унда ўйинчилар олдига покемонлар (*Покемон* (Pokemon) – инг. “pocket monster” (чўнтак махлуқи) иборасининг қисқартмаси, 1996 йилда япониялик геймдизайнер С.Тадзири яратган видеоўйин ва мультсериал қаҳрамонлари) овлаш вазифаси қўйилади. Ўйин Android ва iOS операцион тизимларида ишловчи мобиль қурилмаларга мосланган. Ўйинчи ўзига қаҳрамон (йигит ёки қиз) танлайди ва покемон ови бошланади. Бунинг учун ўйин фойдаланувчининг географик жойлашувини Googlenинг харита хизмати орқали аниқлайди ва ўша маконнинг виртуал харитасини тақдим этади. Ўйинчи шу харита орқали покемонлар жойлашган жойларга бориб, уларни махсус виртуал мослама (покебол)да тутади. Буларнинг барчаси телефон

камераси орқали амалга оширилади. “PokemonGO” глобал миқёсда социал, физик ва виртуал муҳитлар интеграциясини илк бор намоён этди. Яъни, у, биринчидан, ўйин мухлисларини алоҳида ҳамжамиятларга бирлаштирди, уларга жамоавий ўйин имкониятини тақдим этди; иккинчидан, покемонларни излаш реал муҳит харитасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади; учинчидан, виртуал махлуқлар ва покебол захираларини реал макон (кўпинча ҳайкаллар, харитада белгиланган йирик объектлар)га жойлади. Ўйин Ўзбекистонда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. Унинг расмий релизи амалга оширилган мамлкатлар қаторида мамлакатимизнинг ҳам номи қайд этилган [14].

Визуал ва аудиовизуал медиа ривожи оммавий жамият, глобал дунё концепцияларини реаллаштирди. Дунёга яхлит тузилма сифатида қарала бошланди. Иккинчи визуал бурилиш ўз маъноси билан оммавий аудиторияни шакллантирди. Аммо медиа ва коммуникациянинг бу қадар шиддатли тараққиёти янги ўзгаришларга сабаб бўлиши аниқ эди. Ўша давр соҳа тадқиқотчиларининг изланишларида бу ўзгаришлар ҳақида прогнозлар учрайди. Жумладан, футуролог Э.Тоффлернинг “Келажак ҳайрати” ҳамда “Учинчи тўлқин” асарларида эса янги компьютер технологиялари тараққиёти натижаси ўлароқ вужудга келадиган “инфосфера” ва унинг ижтимоий ҳамда индивидуал онгга таъсири хусусида атрофлича фикр юритилади [8]. Тоффлер алоқа ва ахборот алмашинуви соҳасини ҳар бир “тўлқин”нинг ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан таҳлил қилади. Унинг талқинига кўра, технологик тараққиёт натижасида медиа ва коммуникация воситалари “хосланганлик – оммавийлик – хосланганлик” циклини босиб ўтади.

Телевидение ва интерактив технологиялар таъсирида ривожланган иккинчи визуал бурилишдан сўнг бугун инсоният Интернет ҳамда компьютер ўйинлари тараққиёти билан характерланадиган учинчи визуал бурилишни бошдан кечирмоқда. 2000 йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган мазкур жараён сунъий воқеликлар тасвирини реалликка янада яқинлаштирди. Айниқса, дастлаб компьютер ўйинлари соҳасида қўлланилган Motion Capture

(МоСар) технологияларининг (персонаж ва образлар анимацияси усули. Бунда анимация қўлда чизилмайди, балки реал объект ҳаракатлари рақамлаштирилади (“нусхаланади”) ҳамда уч ўлчамли моделга кўчирилади) кинематограф, реклама ва телевидениега кириб келиши образлар ҳаққонийлигини янада ошириш, ҳайвонлар ва предметларни антропоморфлаштириш (уларга инсонга хос хусусиятларни бериш) сингари ҳаракатларнинг амалиётда кенг тарқалишига олиб келди. Натижада, халқ оғзаки ижодидаги гапирувчи аждарлар, фантастик адабиётдаги персонажлар максимал даражада ҳаққонийлик билан жонлантирилди. Масалан, П.Джексоннинг Дж.Толкиен романлари асосида тасвирга олган “Хоббит” трилогиясидаги аждарҳо Смауг, хоббит, орк, эльф сингари мифик мавжудотлар ёки Р.Киплинг асари асосида тасвирга олинган “Чангалзор китоби” фильмидаги ҳайвонлар, Дж.Кэмероннинг “Аватар” фильми қаҳрамонлари фикримиз исботидир.

Бундан ташқари, юқорида айтилганидек, Интернет ва веб-технологиялар тасвирнинг кўп ўлчамли, кўп қаватли вариациялари бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Жумладан, 2022 йилнинг 26 июль куни Vaskange тахаллуси билан ижод қилувчи ёш француз рассоми Twitter микроблог платформасидаги шахсий саҳифасида ўзи чизган рақамли суратни обуначилари билан бўлишди. Ушбу расм график тасвир учун хос оддий 2D-форматда чизилган бўлса-да, уни катталаштирганингиз сари янги суратлар кўз олдимизда гавдаланаверади. Рассом бу яқинлаштириш жараёнини кичик видеоролик кўринишида тармоққа жойлаган [13].

Замонавий визуал бурилиш тасвир ва образнинг янада мукаммал кўринишларини амалиётга олиб кириш билан бир қаторда, аудиторияда техник ифода этилган томошалардан чарчаш ҳиссини шакллантирди. Хусусан, бу юқори сифатли симулякрлар (аслида йўқ нарсанинг тасвири, нусхаси) дезинформация қуролига айланаётганлиги ҳам асосий сабаблардан бири. Натижада жонли томошаларга қизиқиш ортди. Сўнгги йилларда кузатилаётган

стриминг (тўғридан-тўғри видео узатиш) сервислари, live-узатувнинг ривожланиши бунга яққол мисол.

Биз шартли равишда учинчи визуал бурилиш деб атаётган ўзгаришларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритиш олдидан ушбу жараёнларга ретроспектив ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз бу борада Э.Тоффлер “тўлқинлари”га таянишни маъқул топдик. Жамиятнинг ҳозирги ҳолатида сўнгги, учинчи тўлқин белгилари (медиа демассификацияси ва ихтисослашуви, ахборот ишлаб чиқаришнинг истеъмолчилар томонидан соддаштирилиши, алоқа-коммуникация восита ва каналларининг бизнесда кенг қўлланилиши ва ҳ.з.) кузатилаётганлигини инобатга олсак, шартли равишда ушбу босқичнинг учинчи визуал бурилиш билан деярли параллел равишда бошланган, дейиш мумкин. Бироқ иккинчи тўлқин ҳақида бундай дея олмаймиз. Сабаби, Тоффлер мазкур босқични саноат инқилоби, хусусан, китоб босиш дастгоҳлари, почта-телеграф, фотография, радиоалоқа, телевидение каби медиалар тараққиётига боғлайди. Шу жумладан, дастлабки икки визуал бурилиш ҳам иккинчи тўлқин даврида содир бўлган. Иккинчи тўлқин ўз ўрнини кейингисига бўшатишига илк ишора сифатида кабелли телевидениенинг оммалашишини қабул қиламиз. Айнан у телевидение тўплаган глобал оммавий аудиториянинг қайта сегментларга ажралиш жараёнини бошлаб берди. Кейинги ишора Интернет тармоғининг барча учун очиқ, эркин фойдаланиладиган сервисга айланиши бўлди. Бу XX асрнинг 90-йиллари бошига тўғри келади. Шу каби ўзгаришлар фонида виртуал муҳитда Web2.0 технологиялари негизида ўзгача, интерактив, мулоқотга тайёр, контентни танлаб истеъмол қилишга мойил аудитория шаклланди. Аммо бу аудиторияни ҳаракатга келтириш, унинг имкониятларини юзага чиқариш учун биргина туртки, дастак етишмаётган эди. Ана шундай вазиятда аввал Буюк Британия маликаси Диананинг автоҳалокатда вафот этиши (1997), Оқ уйда бўлиб ўтган Клинтон-Левински можароси (1998), Россияда В.Путининг ҳокимият тепасига келиши (1999), сўнг эса АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида қўпорувчилик ҳаракатлари туфайли

эгизак биноларнинг яксон этилиши (2001), Ироқда бўлиб ўтган уруш (2003) каби воқеалар ўша етишмаётган туртки вазифасини бажарди. Аудитория эндиликда информацион ишлаб чиқариш ва тарқатиш жараёнларининг тўлақонли иштирокчисига айлана борди. Ижтимоий тармоқлар, блоггинг, фуқаролик журналистикаси ривожланди. Ахборот ҳажми шу қадар кўпайдики, аудиториянинг ўз қизиқишлари, манфаатларига кўра сегментлашуви янада чуқурлашди. Айнан шу даврда, 2000 йил бошида америкалик Интернет фаоли И.Парайзер веб-технологияларнинг инсоният ҳаётидаги ўрнини таҳлил этади, "фильтрлар пуфаги" ("*Фильтрлар пуфаги" (инг.л. "Filter bubble")* – медиа персоналлашувининг салбий жиҳати. Бунда сайтлар ва қидирув тизимлари фойдаланувчининг тармоқдаги ҳаракатлари тарихи асосида унга маъқул келадиган контентни тақдим этадилар. Оқибатда фойдаланувчи фақат ўз нуқтаи назари, фикри, қизиқишларига мос контентни истеъмол қила бошлайди. Тушунча 2011 йилда Интернет фаоли И.Парайзернинг "The Filter Bubble: What Internet Is Hiding From You" китобида қўлланилган) тушунчасини қўллайди. У ҳозирги дунёда инсон, унинг медиаистеъмол одатлари ҳам контент саналишини эътироф этади ҳамда дахлсизлик ва фойдаланувчилар назорати кабиларнинг аҳамиятини таъкидлайди [10; Б.132].

Америкалик маклюэншунос олим, АҚШнинг Фордҳем университети Коммуникациялар маркази директори Дж.Калкиннинг 1967 йилда айтган "Биз воситалар (***коммуникация воситалари*** – *муаллиф*)ни шакллантирамиз, сўнг эса улар бизни шакллантиради" [11], сўзлари исботи бугун яққол намоён бўлмоқда. Технологияларнинг сиёсий пропаганда қуролига айланиши фонида оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқат ва холислик инстанцияси сифатида ўз мавқеини сақлаб қолиш учун курашаётганлигини кузатамиз. Аудитория учун талқин тасвирдан устунлик қилмоқда, яъни, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабар, информациядан унинг шарҳи, таҳлили ва интерпретацияси муҳимроқ бўлиб, массмедианинг тушунтириш функцияси бирламчилик касб этмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, визуал бурилишлар жамиятда коммуникация воситаларнинг тараққиёти, ахборот ҳажмининг ортиши

негизида, ахборотни тизимлаш, содда, тушунарли шаклга келтириш эҳтиёжига жавобан вужудга келди. Бугунги кунда тасвирнинг аҳамияти уни мустақил код тизими, алоҳида тил сифатида эътироф этишни талаб қилмоқда. Тасвир ва визуал медианинг замонавий технологиялар билан сайқалланиши эса реалликка муқобил симулятив воқеликларни шакллантирди. Шу каби ижодий-технологик ўзгаришлар эса жамият ва маданиятга ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ушбу жараёнларни ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги кун визуал тадқиқотлари, медиа ва коммуникация назариёти учун долзарблик касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Барт, Р. Избранные работы: Семиотика: Поэтика /Пер. с фр. Сост., общ. ред. и вступ. ст. Г. К. Косикова. – Москва: Прогресс, 1989.

2. Дорис, Бахманн-Медик. Культурные повороты. Новые ориентиры в науках о культуре / Пер. с нем. С. Ташкенова. – Москва: Новое литературное обозрение, 2017.

3. Иванов А.Г. Социальная мифология как развивающаяся система // Вестник Пермского университета. Философия. Психология. Социология. 2016. Вып. – №4 (28).

4. Ищенко Е. Н. «Визуальный поворот» в современной культуре: опыт философской рефлексии // Вестник ВГУ, 2016. – №2.

5. Кудряшова Е. А. Новая визуальная культура в медиапространстве // Век информации (Сетевое издание), 2019. Т.3. – № 3(8) июль 2019. https://doi.org/10.33941/age-info.com33(8)8

6. Лотман Ю. Семиотика кино и проблемы киноэстетики – Таллин: Издательство "Ээсти Раамат", 1973.

7. Склярова В.С. Визуальные повороты и зрелищная культура: теоретические аспекты и культурные практики // Вестник культуры и искусств. 2017/4 (52).

8. Тоффлер, Э. Третья волна / Пер. с англ. С.Барабанова и др. – Москва: ООО Издательство АСТ, 2004.

9. Фитч У. Т. Эволюция языка / Пер. с англ. и науч. ред. Е. Н. Панова. – Москва: Языки славянской культуры, 2013.

10. Pariser, E. The Filter Bubble: What Internet Is Hiding From You. Published by Penguine Press NY, 2011.

11. Culkin, J. M. (1967, March). A schoolman's guide to Marshall McLuhan. The Saturday Review, 51-53, 70-72. Retrieved from http://www.unz.org/Pub/SaturdayRev-1967mar18-00051

12. r/funny (2019) An international student hospitalised in China and the nurse who couldn’t speak English, informed him about his surgery with this note // Reddit ижтимоий тармоғидаги пост: 2019.21.01(https://www.reddit.com/r/funny/comments/akkwn2/an_international_student_hospitalised_in_china/)

13. Vaskange (@Vaskange) – Twitter платформасидаги шахсий саҳифа (https://twitter.com/Vaskange?ref_src=twsrc%5Egoogle%7Ctwcamp%5Eserp%7Ctwgr%5Eauthor)

14. Страны, в которых состоялся выход Покемон го. [Электрон манба] URL: http://gopokemongo.ru/stranyi-v-kotoryih-sostoyalsya-vyihod-pokemon-go.html (мурожаат санаси 9.10.2021)